

## 102-боб. Таом еса, ходимини бирга ўтирғизадими?



11:00 / 30.11.2020 2110

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا دَخَلَ الْغَدَاةَ فَاجْعَلْ فِيهَا خَدِيمًا مَعَكَ فَإِنَّهُ يَكُونُ لَكَ فِيهَا حَقًّا».

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангизнинг ходими таомини олдига олиб келса, уни ҳам ўзи билан ўтирғизсин. Агар ходим кўнмаса, таомдан унга узатсин», дедилар».**

**Шарҳ:** Таом олиб келган ходимга: «Кел, ўзинг ҳам ўтир, бирга еймиз», деб таклиф қилиш Ислом одобларидан экан. Агар ходим бирор сабаб билан бундан бош тортса ҳам, барибир, таомдан озгина едириб қўйиш матлуб

исломий одатлардан экан.

نَاوْفَصَآءَاجُذِإْهُنَّعُهللليضرررمُعَدْنَعأسللاجُتُنُك:لأقَةَرُوذَحَميَبَأَنْع  
رَمُعُيَدَيَنْيَبَاهُوُعَضَوَفِةَءَابَعِيْفُرَفَنَاهُلْمُحَيِةَنْفَجَبَءِيْمَأَنْب  
مُثْهُعَمَأُولِكْأَفْهُلْوَحسَانللاءاقرَأْنَمءاقرَأو،نِيكْأَسَمأسانُرْمُعاعَدَف  
نَعَنْوُبْعَرِي-أموقُهلللاجل:لأقْوأ-موقُبُهلللاجعَف:كَلَدَذْنَعَلأق  
مُهْنَعْبُعْرَنَام!هلللاجو،ام!نَاوْفَصَلأقَف:مُهَعَمَأُولِكْأَيَنْأَمُوئِأَقْرَأ  
لُكْأَنْأَمَبِّيَطَلَاماعَطَلانَم!هلللاجو،دَحَنال:مُهَيَلَعْرُثَأْتَسَنانكَلَو  
مُهْمُعَطَنو.

*Абу Маҳзурадан ривоят қилинади:*

**«Умар розияллоҳу анҳунинг ёнида ўтирган эдим. Сафвон ибн Умайя каттакон мис лаганда таом олиб келди. Идишни бир неча киши абоага солиб, кўтариб келиб, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг олдиларига қўйишди.**

**Умар ўз атрофидаги мискинлар ва қулларни чақирди. Уларнинг барчаси у билан овқатланишди. Шунда у:**

**«Ўз қуллари билан таом ейишдан юз ўгирган қавми Аллоҳ ундай қилсин, бундай қилсин», деди.**

**Шунда Сафвон:**

**«Йўқ! Аллоҳга қасамки, биз улардан юз ўгирмаймиз, лекин ўзимизни устун қўямиз, холос. Аллоҳга қасамки, яхши таомдан ўзимиз ҳам еб, уларга ҳам берадиганини топа олмаймиз», деди».**

*Шарҳ:* Абоа – жундан тикилган, чопонга ўхшаш устки кийим.

Кўриниб турибдики, мўмин-мусулмон одам айниқса, таом масаласида қулларни, ходимларни паст санамаслиги, аксинча, таом пайтида уларни ўзига тенг кўриб, кўнглини олиши лозим.

**«Одоблар хазинаси» китобидан**